

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 189 (1451)

25 сентябрь, жума, 1959 йил.

Баҳоси 20 тийин.

КАДРЛАР—ОЛТИН ФОНДИМИЗ

Кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойга қўйиш ва тарбиялаш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар. Чунки ҳужайра ва маданий ҳурият соҳасидаги муваффақиятларимиз кўп жиҳатдан кадрларга, уларнинг раҳбарлик савиясига, ташиқлотчилик қобилиятига боғлиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XIV Пленумида кадрлар билан ишлашнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақидаги масаланинг кенг муҳокама қилинганлиги партиянинг Марказий Комитети бу масалага нақадар катта аҳамият бераётганини кўрсатади.

Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириб, республикамиз, шу жумладан областимизда миллий кадрларнинг ажойиб, кўп сонли армиясини тарбиялаб етиштириш. Ҳозирги вақтда республикамиз ҳам ҳўжаликда ўрта ва олти маълумоти 200 миңга яқин мутахассис ишламоқда. Улар ҳўжалик ва маданий ҳуриятнинг моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар, КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Лекин шу билан бирга, кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойга қўйиш соҳасида ҳали анчагина камчиликлар мавжуддир. Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленумида кўрсатиб ўтилгандек, КПСС XXI съезди ва партиянинг Марказий Комитети июнь Пленуми олдига сурган янги ва улғувор вазифалар уқўтган назаарида қараганимизда партия, совет, ҳўжалик органларининг кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойга қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги фаоллигида жиддий камчиликлар бор.

Турмуш, таъриба шунга кўрсатадики, кадрлар билан ишлаш соҳасида яқин йўлга қўйилган бўлса, қарада кадрлар ҳақида, уларни тарбиялаш ҳақида ҳамхўрлик қилинса, ўша ерда ҳодимларнинг ижодий раёт ва ташаббуси ошад. Ҳўжалик планлари муваффақият билан бажарилади. Аксинча кадрлар ҳақида, уларни тарбиялаш, жой-жойга қўйиш ҳақида етарли ҳамхўрлик қилинмаган, бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган жойда катта хатолар ва камчиликларга йўл қўйилади, ишлаб чиқариш планлари бажариламайди.

Масалан, «Чирчиксельмаш» заводи олайлик. Бу ерда инженер-техник ҳодимлар ишининг кўчини билдирган, ижодкор, жонқуяр кишилардан танланган. Улар ишлаб чиқаришнинг фазлари аҳли биланлигини соҳасига, жой-жойга танлаб қўйилган. Завод партия ташкилоти ана шу кадрларнинг ўсиши, билми ва ишлаб чиқариш малакасини ошириш ҳақида систематик равишда ҳамхўрлик қилади. Натияжада «Чирчиксельмаш» заводи ишлаб чиқариш планларини ҳамма вақт ошириб бажариб келмоқда.

Лекин, Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводида бошқача аҳволи кўрама. Бу заводда кадрлар

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ АҚШДА БЎЛИШИ

Де-Мойн шаҳрининг савдо палатасида 22 сентябрда Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Губернатор жаноблари! Мэр жаноблари! Савдо палатасининг раиси жаноблари! Хонимлар ва жаноблар, дўстлар! Штатингизни, унинг пойтахти — ажойиб Де-Мойн шаҳрини келиб кўришга тақдир қилганликларингиз учун ва бу ерда мени ҳамда йўдошларимни қўйиб кутиб олганликларингиз учун сизларга ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Савдо палатангизнинг раисига ҳамда унинг коллегаларига сизнинг олдинда нутқ сўзлаш имкониятини менга берганликларингиз учун ҳам миннатдорчилик изҳор қиламан.

Кези келганда фойдаланиб, сизларга ва сизлар орқали Айова штатининг бутун аҳолисига совет халқи номидан самимий салом топшираман ҳамда меҳнатда ва турмушда энг яхши муваффақиятлар тилайман.

Айова штатини келиб кўраётганлигимиз учун хурсандим. Бу штатнинг қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг энг йирик маркази бўлиб қозонган шухрати Қўшма Штатлардан узоқ мамлакатларга ҳам ёйилган.

Бизнинг Совет Иттифоқимизда бу штат жаҳонда маккажўҳори етиштиришда катта ўрни олиб турганлигини, сизлар чорвачиликни ривожлантиришда зўр муваффақиятларга эришганлигини ҳамма яқин билди. Мамлакатимизнинг йирик қишлоқ ҳўжалик районларидан бири — Краснодар ўлкаси — қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида Айова штати билан мусобақа қилиш вазифасини ўз олдига қўйганлигини сизларга билдирсам, бу нарсга қизиқиб қарасаларингиз керак. Маккажўҳори, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда сизларнинг фермаларингиз аришган муваффақиятлар Кубандаги кўп қанча еттирилган ҳам кенг равишда маълумдир.

Мен сизларнинг мамлакатингизда бўлган эмасман, лекин Америка халқининг вакиллари билан, Америкада бўлган ўз кишиларимиз билан кўп суҳбатлашганман. Жумладан, штатингиздаги фермерлардан бири бўлган ва Совет Иттифоқига бир неча марта бориб келган Гарет жаноблари билан қилган суҳбатим эсимга тушади. Шунингдек сенатор Эллендер билан қилган суҳбатлар ҳам эсимга тушади, у ҳам қишлоқ ҳўжалигининг тўғрисида менга гапириб берган эди. Мамлакатингиз ҳаётининг турли жиҳатларини намойиш қилувчи фильмларни канда қилмай кўриб тураман.

Америка Қўшма Штатларининг ва айниқса штатингизнинг қишлоқ ҳўжалиги биз учун, аввало, шу жи-

Пахтакор ўртоқлар, суръатни янада ошириб, кунига йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдоридан пахта топширишга эришингиз. 2 процентдан кам пахта топшираётган Оржоникидзе, Янгийўл ва Чиноз районларининг пахтакорлари, бутун кучни сафарбар қилиб, пахта тайёрлашда илғорларга тенглашингиз!



Ўртоқ Рисбуви Азимбоева ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозининг илғор термичларидан. У ишлаётган 20-бригада аъзоларидан кўп ўнбешмиңчилар ҳаракатига қўшилган. Рисбуви ҳам улар қатори мавсумда 15 тонна пахта териб мажбуриятини олди. Ҳозир у ўз сўзининг устидан чиқиб учун курашиб, кунига 250—260 килограмдан пахта тараётир. Суратда: Рисбуви Азимбоева.

М. Шевелов фотоси.

МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ СССР ТЕЛЕГРАММА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

Сирдарё районидagi «Гулистон» совхози 3-бўлимининг Мирзачўлининг янгидан ўзлаштирилган ерларида 60 гектар майдонда комплекс механизацияни жорий қилиб, мўл ҳосил етиштирган ўртоқ Абдуллаев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси пахта тайёрлаш планини мuddатидан олдин — 24 сентябрда бажариб. Давлатга ҳар гектар ердан 16,5 центнердан пахта топшириди. Пахтаниннг ҳаммаси машиналар билан териб олинди ва биринчи сортга топширилди.

Ўртоқ Абдуллаев бригадасининг аъзолари ўз имкониятларини чамалаб қилиб, 10 октябргача ҳар гектар ердан яна 3,5 центнердан ҳосил иғиб олиш ва ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини тўла адо этишга қарор қилдилар.

Бригадада пахта иғим-теримини тезлаштириш ва йиллик пахта тайёрлаш планини мuddатидан илгари бажаришга СХМ-48 ва СХМ-48М машиналари билан 8 кун мобайнида ўртоқ Нарин Усмонов 16,3 тонна, Файзи Исмоилов 17,4 тонна, Хван Андрей 16,8 тонна, Ним Григорий 16,5 тонна пахта териб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар. Айни вақтда ва илғор механик-ҳайдовчилар бошқа бригадаларда ҳам ҳосил иғим-теримини тезлаштиришда ёрдамлашдилар.

ШМЕЛЕВ, Тошкент область совхозлар трест директорининг ўринбосари. ШИМАКОВ, Совхоз партия бюросининг секретари.

Жовот Кўчиевнинг янги муваффақияти

СИРДАРЕ, 24 сентябрь. «Малик» таъриба ҳўжалигининг 3-бўлимида хизмат қилаётган азамат механизатор Жовот Кўчиев, ев машинада пахта териб суръатини кундан-кунга кучайтириб, ўзaro социалистик мусобақад олдинда бормоқда. Ўртоқ Жовот Кўчиевнинг ўз аргументи билан бир кунда 6 тонна пахта терганлиги тўғрисида газетда хабар босилган эди. Унинг астойдил бел боғлаб қилаётган меҳнати тўғрисида яна хушхабар тарқалди. Жовот Кўчиев бир кунда 8 тонна пахта териб, янги рекорд қўйди.

— Мавсумда 130 тонна пахта терган, деган ваъданин ортинги билан бажариб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига муносиб сўзга сўзга таяйлашган, — дейди Кўчиев. У албатта ўз аҳдининг уласидан чиқади. А. КўCHAROV.

Чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик плани бажарилди

Партия XXI съезди қарорларидан руҳланган Чиноз район меҳнаткашлари қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантиришда, Ҳўжаликда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам йил сайин тараққий топмоқда. Район меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш шига бу йил айниқса жиддий киршидилар. Натияжада шу йилнинг 21 сентябрда давлатга гўшт сотиш плани 103,7, жун сотиш плани 100, туҳум сотиш плани 137,4 ва қолхоз сектори бўйича сут сотиш плани 102,8

Кеча қанча пахта тайёрланди

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бўйича ишлаб бериш	Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бўйича ишлаб бериш
Писент	2,04	33,10	Оржоникидзе	1,70	26,08
Гулистон	2,26	30,61	Ўрта Чирчиқ	2,14	26,05
Бойвот	2,26	30,60	Қуйи Чирчиқ	2,68	25,92
Сирдарё	2,22	28,37	Чиноз	1,96	24,55
Юқори Чирчиқ	2,12	27,46	Янгийўл	1,83	24,48
Бўжа	2,10	27,12			
Бекобод	2,18	26,60			
Оққўрғон	2,08	26,35			
			Область бўйича	2,12	27,60

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ПЛАНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон саноатининг ҳодимлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб ва пландан ташқари маҳсулот чиқариш юзасидан 1959 йилга олинган социалистик мажбуриятларини мuddатидан илгари бажариш учун курашиб, ялли маҳсулот чиқариш тўққиз ойлик планини мuddатидан етти кун илгари 23 сентябрда бажариб бўлдилар. Ой охиригача пландан ташқари неча юз миллион сўмлик маҳсулот чиқарилади.

Кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари планини бажариш мuddатларидан анча ўзиб кетишга эришдилар. Бир қанча йирик корхоналар, шу жумладан Бекобод металлургия заводи, «Чирчиксельмаш» ва «Таштекстельмаш» заводлари, Қўдон суперфосфат заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент I-пайфазал фабрикаси ва шойи тўқимачилик баъзи корхоналари тўққиз ойлик топшириқини мuddатидан анча илгари адо этидилар. Мазкур корхоналар бошқа кўпгина корхоналар сингари етти йиллик планда белгиланган топшириқларининг мuddатидан илгари бажарилиши учун етти йилликнинг биринчи йилида мустақкам асос яратиб учун курашмоқдалар.

Маҳсулотнинг кўпгина муҳим турларини: пўлат, прокат, нефть чиқариш, электр қуввати ҳосил қилиш, фосфат ўғитлари, қогоз, дерваз ойнаси, ил газлама ва шойи газлама, пайпоқлар, ички трикотаж, пайфазал, гўшт, мол ёғи, спирт ва бошқа бир қанча буюмлар ишлаб чиқариш плани мuddатидан илгари бажарилди.



Н. С. Хрушчев ва Н. П. Хрушчева Голлууддаги «Твинтис сен чери Фокс» компанияси кино-студиясида. ТАСС фотохроникаси (сурат ТАСС фототелеграфни орқали олинган).

